

Долзарб мавзу

ЯПОНЛАР ҚИЗИҚҚАН ТОҒ АРЧАСИ

Айни чоғда Тошкент вилоятида бешта ўрмон хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири Оҳангарон ўрмон хўжалиги бўлиб, унинг тасарруфидан 115 минг гектар майдон бор.

У вилоятнинг жанубий қисмида жойлашгани боис табиати ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ерларга ёгингарчилик бошқа жойлардагига нисбатан кам тушиши сабабли довдаҳақларнинг табиий ўсиши деярли йўқ, асосий ўрмонлар қўл қучи билан барпо этилади. Хўжаликда қурғоқчиликка чидамли арчалар кўп. Шуни назарда тутиб ўрмончилар тоғ арчаси уруғидан кўпайтириб, республикамизга кўплаб етказиб бермоқда.

Яқинда япониялик мутахассислар хўжаликда бўлиб, бу ерда етиштирилган тоғ арчаси билан қизиқди. Илмий таҳлиллар кўздан кечирилган ҳам юқори самара берди. Эндиликда «Эко-сан» халқаро хайрия жамғармаси мазкур арчани кўплаб етиштириш ва республика ўрмонларида ёппасига экиб ўстириш учун молиявий ёрдам берадиган бўлди.

Бизнинг жамоамизга яна бир масъулиятли вазифа юклатилган, -- дейди ўрмон хўжалиги директори Анвар Шамсутдинов. -- Ерга қараб ўсадиган тут дарахтини ҳам машҳур бўлиб кетди. Айни пайтда Туркманистонга ана шу кўчатдан минг тупини оқиб, қардошларимизга махсус бог барпо этишга кўмаклашамиз.

Оҳангарон ўрмон хўжалигида табиати, унинг ҳайвонот ва ибодот олами муҳофаза қилиш борасида талайгина муваффақиятлар қўлга киритилган таъсирга сазовор, ал-

Мақолада соҳадаги қатор камчилик ва нуқсонлар тўғрисида ўринли кўрсатилди, айни долзарб муаммолар кўтарилган. Айниқса, пилла етиштириш учун бир барабар камайиб кетганлиги ҳақиқатан ҳам ачинарли ҳолат. Бу аввало, жойлардаги айрим раҳбарларнинг бозор муносабатлари шароитида ишлашга тайёр эмасликлари оқибати. Шунинг касри ўлароқ жойларда минглаб тут дарахтлари ва юзлаб яхлит тутзорлар кўпориб, йўқ қилиб юборилмоқда. Ачинарлики шундаки, ипак куртининг озука базасини қайта тиклаш осон иш бўлмай, камидан ўн-ўн беш йил вақт та-

батта. Хусусан, бу йил 60 гектар майдонда ўрмон ташкил қилинди. Шунингдек, тоғ ўрмонларидан ўн тонна доривор гиёҳ ва мевалар йиғиштириб олинди. «Бундан ҳам кўп маҳсулот етказиб беришимиз мумкин», дейди ўрмончилар. Аммо раҳмининг кетидан қувиш

табиат мувозанатига жиддий пурт етказишни тўрған гап. Ўрмончиларнинг яна бир катта ютуғи бор. Йилнинг ўтган даври мобайнида тасарруфдаги ўрмонзорларда биронта ёнғин чиқишига йўл қўйилмади. Ўрмон хўжалигининг Ангрэн шаҳрида жойлашган Қорабоғ

участқасида яшил бойликларимизни муҳофаза қилиш билан бирга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳам етиштирилмоқда. Бу ерда илгарилари ҳар йили юз минг туп мевали дарахт кўчатига барг пайванд қилинар эди. Бу йил эса... йигирма минг. Айтишларича, сўнгги йилларда бундай кўчатларга талаб анча камайиб кетди. Афсуски, участка питомникларидаги 500 минг туп турли мевали дарахт кўчатлари вақтида қовлаб олинмаганидан, жойида гуллаб, мева туғиб ётибди. Туман ва вилоят боғдорчилик хўжаликлари эса иқтисодий тақчиллик баҳона эски боғларни янгилаш, янгиларини барпо

этишга негалир шошилмапти. Умуман бу соҳада назоратнинг сусайтириб юборилганидан ўрмончилар норози. Дарҳақиқат, ҳозирги ҳавонинг ҳар бир очик қуни кўчат экиб бог яратиш учун жуда қулай. Ахир кеч-қузда экилган кўчат баҳордаги қарағанда яхши тутади. Ваҳоланки, қўлга хўжаликлар ва ташкилотлар бундай қулай имкониятни қўлдан бой берадилар, қўқамда кўчат излаб қолади. Турган гапки, шомша-шошарлик билан амалга оширилган иш кўнгилдагидай натижа бермайди. -- Ободонлаштириш ва қўқамзорлаштириш ҳар доим му-

ҳим бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши табиий, -- суҳбатни давом эттирди А. Шамсутдинов. -- Ҳозир нина баргли дарахтларга талаб кучайиб кетди. Сабаби аён: бу дарахтлар бошқа ўсимликларга нисбатан ҳавога ўн барабар кўп кислород чиқаради. Яна бир хусусияти шундаки, қишин-ёзин ям-яшил бўлиб, қуни қувонтиради. Эндиликда бу дарахтларнинг бошқа бир жиҳати ҳам кўпчиликини қизиқтириб қолган бўлса ажаб эмас. Яъни, улар қузда ҳамма ёқни ифлос қилиб ташламайди. Ана шу дарахтлар экилган шаҳар бог ва хибобларидан, кўчалардан ҳазон супуриш, атрофга заҳарли хид таратиб уни ёқинга ҳоҳат қолмайди.

Андижонликлар масаланинг ана шу томонида жиддий эътибор бериб, вилоятдаги барча ўрмон хўжалиқларидан нина баргли дарахт кўчатларини улгуржи сотиб олиб кетишпти. Улар Оҳангаронга ҳам келишди. Бироқ хўжалик директори анча миқдордаги кўчатни шундай бериб юборишни ўрмончи сифатида ўзига эп кўрмади. «Гап пулда эмас, аввал жой тайёрланган, кўчатларимиз тўлиқ ўсишга қафолат бўлганиданига уни берамиз», дейди у. Директори Андижонга таклиф этишди. У вилоятда бог барпо этишга, қўқамзорлаштиришга бўлган эътиборни қўриб, қўйил қолди. Қисқа муддат ичида икки миллион сўмликдан зиёд кўчат етказиб берди.

Андижонликлар пахтани плёнка остига экиш бўйича доврўг қозонган эдилар. Қўқамзорлаштиришда ҳам улоқ ўшаларда кетадиган бўлди, -- дейди Анвар ака. -- Қани энди ҳамма вилоят ва туманларда ҳам шундай бўлса...

Дарҳақиқат, кўчат экиб, бог яратганга нима етсин. Яшил бойлигимиз посбонларининг хайрли ишларига бош қўшиш, республикамизни жаннатмақон гўшга айлантириш фақат фойда беради.

Ғулор ЮСУПОВ,
Немат ДУШАЕВ.



Чортоқ шаҳрида Мангубулоқ нефть корхонаси қаршии замонавий меҳмонхона иши туширилади. Нефть корхонаси ишчи-сизмачиларига саргармонхона, этикдўзлик устасхонаси, оғзона, оғзонақат дўхона, халқ банкнинг 16-шаҳобчаси самарали хизмат кўрсатаётган. СУРАТЛАРДА: халқ банкнинг Чортоқ бўлими бош ҳисобчи муовини Хайитбой Абдусодиқ; яши меҳмонхона биносини ўрмончи кўрсатиш; халқ банкнинг Чортоқ бўлими катта назоратчиси Озода Исоқова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган суратлар.



КИЧИК КОРХОНАЛАР ҲИССАСИ

Тўртқўл шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналарнинг сони 400дан ошиб кетди. Мазкур корхоналарда йилнинг шу кунига қадар 26 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ҳамда уларнинг шаҳар бюджетига тўлаган солиғи миқдори 4,2 миллион сўмни ташкил қилди. Бу жами шаҳар бюджетининг бешдан бир қисмидан кўпроғи демакдир.

Хайитбой АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Акс-садо

«ПИЛЛАЧИЛИК ЎГАЙ СОҲАМИ?»

«Халқ сўзи»нинг шу йил 8 ноябрь сониди юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган муаммоли мақола юзасидан таҳририятга тўхтовсиз хатлар келиб турибди. Жумладан, республика «Пилла» уюшмаси раҳбарлари ва мутахассислари ҳам мақола билан атрофлича танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришни лозим топишган. Қуйида ана шу хат мазмунини билан танишасиз.

лаб этидиган жараёнлар.


Республикага хоржий мамлакатлардан олиб келинаётган ва ўзимизда тайёрланаётган ипак курти уруғларининг сифати хусусида мақолада ўринли фикрлар билдирилган. Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда Фарғона vodiysининг «Ўзбекнигилсаноат» уюшмаси тасарруфидан бўлган хўжалиқларига Япония, Италия, Корея давлатларидан ипак курти уруғлари валяютага сотиб олиб келтирилмоқда. Бу уруғларнинг сифати мақолада таъкидланганидек, республикада кўп йиллардан бери боқиб келинаётган «Тетрогибрид-3» курт уруғига нисбатан юқоридир. Аммо ўзимизнинг селекционер олимларимиз яратган янги зот ва дурагайлар ҳам бу йилги маҳсулда парваришланганда улардан қолишмаслиги маълум бўлди. Чунончи, «Ни-

шонланган-1», «Нишонланган-2», «Совет-13», «Совет-14», «Ўзбекистон-5», «Ўзбекистон-6» каби маҳаллий янги дурагайларнинг пилласи 41-45 фоиз ипак берди. Бу Япониядан кейинги иккинчи кўрсаткич, Корея зотлари билан тенг ва Италия пилласидан анча юқоридир.

Бизнинг асосий мақсадимиз -- Ўзбекистон ўзида етиштирилатган ипак маҳсулотлари билан жаҳон бозорига дарахт чиқиши, ўз ўрни ва муқим харилорларига эга бўлмоғи керак. Бунга эришиш учун чет эл фирмалари билан ҳамкорликда наслчилик ишларини илгор техника ва технология асосида қайта ташкил этишимиз лозим бўлади. Чет эл фирмаларини биз билан ҳамкорликда ишлашга қизиқтириш мақсадида ўзимиздаги уруғчилик корхоналарига зарар етказмаган ҳолда 2-3 йил

давомида улардан чекланган миқдорда саноат уруғларини олиб келиш фойдалан ҳоли бўлмас, деб ўйлаймиз.

«Пилла» уюшмаси мутахассислари ипак куртининг уруғи ҳамда пилласи сифатини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш тадбир-дастурини ишлаб чиқдилар. Унда ҳақиқатан ҳам анча эскириб қолган, сифат кўрсаткичлари паст «Тетрогибрид-3» зоти 2-3 йил ичида янги дурагайлар билан тўла алмаштириш, уруғ тайёрлаш техника ва технологияларини, бошқа асбоб-ускуналарни янгилаш, мутахассисларнинг малакасини ошириш назарда тутилган. Белгиланган тadbирлардан энг муҳими курт боқувчи звонлар ва мутахассисларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун бундан буён етиштирилган пилланинг вази эмас, балки шу пилла-



дан чиқадиган ипакнинг миқдори ва сифати (толаннинг узунлиги, йўғон-ингичкалиги ва ҳоказо)га қараб ҳақ тўлашни жорий этишди. Ҳозир шу йўналишда иш олиб борилмоқда.

Маълумки, тутзорлар, йўл ва ариқ-зовурларнинг ёқаларидаги тут дарахтлари фақат ипак курти учун озука вази-фасини ўтагина қолмай, шу билан бирга қўшқоқ хўжалик экинларини гармселдан, тупроқни эрозиядан сақлаши, ерости сувларининг сатҳини пасайтириши ҳам илм-фанда асосланган ва тажрибала исботланган. Бинобарин, тутзор ва тут дарахтларининг камайиши, фақат пилла етиштиришининг камайишигагина таъсир этиб қолмай, балки деҳқончиликка ҳам зарар етказди. Шу боис тутзор ва тут дарахтларини пала-партиш кесиш ва ҳалдан ташқари камайиб кетишига йўл қўйиш икки томонлама зарар эканлигини ҳам ҳисобга олмоқ лозимдир.

А. ЙҮЛДОШЕВ
тайёрлади.

EAST BUTTERFLY

UZBEK-INDIAN-SWISS JOINT VENTURE

Агар сиз ошхонангизни ҳар хил пиширилган, озиқ-овқатлар тайёрлашда зарур бўлган бежирим идишлар, заманасиз пўлатдан тайёрланган экологик тоза манли қасқонлари билан ялада кўркам бўлишини хоҳласангиз:

«Ист Баттерфляй»
Ўзбекистон-Ҳиндистон-Швейцария
қўшма корхонасида ташриф буоринг ёки
қўнғироқ қилинг!



Тўлов шакли турлича.

Манзил:

Тошкент ш., Эркин Маройимов кўчаси, 17.
Мўлжал - метронинг Пушкил бекати (Салороди)
қўриқчи анжомлари дўкони қаршида.
Тел.: (3712) 67-62-05, 67-58-42.
Факс: (3712) 67-62-30.

ЯНГИ МАКТАБ БИНОСИ ИШГА ТУШДИ

Янгикўрғон туманининг Бекобод қишлоғидаги 43-мактаб ўқувчилари қишқи таътилдан сўнг ўқишни мактабнинг янги биносига давом эттиришда. 420 ўринли янги бино фойдаланишга топширилгани тўғрисида фақат бир сменада олиб борилади.

Бир пайтлар маблағ етишмаслиги сабабли бино қурилиши тўхтаб қолган эди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил май ойидаги «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қароридан сўнг ишлар яна жадал сурьатлар билан бошланиб кетди. «Наманган қурилиш-трестининг Чортоқ механизациялашган қўчма колоннаси ишчиларининг фидокорона меҳнати тўғрисида» тўққиз миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Қурилишга маблағ таҳаллий бюджетдан ажратилди. (ЎзА).

Тажриба, ташаббус

«АНДИЖОН-2 М» АГРЕГАТИ

плёнка остига экилган пахта ҳосилини теришга мўлжалланган

Плёнка остида чигит ундириб, юқори ҳосил етиштирган андижонлик пахта усталарининг тажрибаси ҳақида кўп гапирилди, ёзилди, лекин уларнинг яна бир янгиликка кўл уришганидан ҳали кўпчилик бохабар эмас.

Ушбу технология қўлланилганда, ҳосил, асосан, қўлда териб олинди. Балиқчи туманида бу муаммони ҳал этиш борасида анча мунча изланиш қилинди ва ниҳоят плёнка остига экилган пахта тўлиқ агрегатларда териш «емири» кашф этилди. Бунинг учун ҳеч ким хоризжа бориб, тажриба ўрганиб қайтмади, аксинча, ўзимизда борини эплаштириб, яқин

қаторли экиш агрегати яратилди. Энди, ҳар йилгидек, плёнка остига кўш қаторлаб эмас, балки очик майдонларда қўлланилаётган усул-яқин қаторлаб чигит экилади.

Тумандаги «Галаба» жамоа хўжалигида бу йил ана шу усул синновдан ўтди. Ҳосилдорлик текшириш 63,5 центнерданга тўғри келди. Келгуси йили туман

бўйича 3.900 гектар майдонга яқин қаторлаб чигит экиш режалаштирилмоқда. Деҳқончилик машинасозлик хизмати ҳиссдорлик жамиятида йиғилган янги экиш агрегати тўлапосини йиғиштириб олинган майдонда синнов ҳам қўрилди. Мутахассислар агрегатга юқори баҳо беришди.

Умуман, андижонлик деҳқонлар келгуси йили 70 минг гектар майдонда плёнка остида пахта етиштиришни мўлжалламоқдалар. Андижон механизани завод ишчилари пахтакорлар учун «Андижон-2М» русумли 800 та чигит экиш агрегати тайёрлаб беришни ўз зиммаларига олишди.

О. ПОДМОНАШЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ФОНДИ

1997 йил фундаментал тадқиқотлар соҳасидаги лойиҳалар танловини эълон қилади. Танловдан мақсад фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги ва ўзига хос ишларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Танлов шартлари, лойиҳаларни топшириш ва расмийлаштириш қоидалари билан ФТДК, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигида танишиш мумкин. Танловда иштирок этиш учун аризалар 1997 йил 1 февралгача Ўзбекистон Республикаси ФТДК биносидан ҳар куни (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 14.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Фонднинг почта манзили: 700017, Тошкент ш., Х. Сулаймонова кўчаси, 29-уй, «ФТФ танлови». Эълон қилинган муддатдан кейин юборилган ёки қоида бўйича расмийлаштирилмаган лойиҳалар танловга қўйилмайди. Маълумот учун телефон: 39-15-40.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИНИНГ мамлакат электр алоқа тармоғини кенгайтириш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан ўтказилган халқаро тендер якунлари тўғрисидаги АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Япония ташқи иқтисодий ҳамкорлик фонди ўртасида 1995 йил 14 июнда тузилган кредит битими низомларига мувофиқ 1996 йил 5 августдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси электр алоқа тармоғини кенгайтириш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан очик халқаро тендер ўтказилди.

Тендер мундарижаси - телекоммуникация ускуналарини етказиб берувчини аниқлаш. Харид қилинадиган электр алоқа ускуналарининг умумий қиймати - 11,3 миллиард япон иенаси.

- Ишлар ҳажми:
- 1-лот - Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм ва Навоий вилоятларида 251.500 абонент линияли коммутацион тизим. Станциялараро линиялар сони - 24.151 (бундан ташқари қўшимча режага мувофиқ 43.500 абонентлик ливисини ўрнатилади).
 - 2-лот - Нукус-Бухоро, Тошкент-Ангрен йўналишлари бўйлаб умумий узунлиги 761 километрли волокон-оптик алоқа магистрал линиялари. Юқорида саналган минтақалар ҳудудида 962 километр узунлиқдаги узатиш тизими бўлган ички зона волокон-оптик алоқа бирлаштурувчи линиялари. (Бундан ташқари қўшимча режага мувофиқ 707 километрли ички зона волокон-оптик алоқа линияларини ётказиш).
 - 3-лот - Ангрен-Қўқон-Наманган-Андижон-Фарғона, Самарқанд-Қарши ва Урганч-Тўртқўл йўналишлари бўйича рақамли радиорелели алоқа линиялари.
 - 4-лот - фойдаланиш ва бошқариш тизимини ташкил этиш.

Тендерда иштирок этиш тўғрисида буюртма берган 15 та хоржий фирмалардан 9 таси барча лотлар бўйича таклифларини белгиланган муддатда тақдим этди. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг баҳолаш комиссияси тендер таклифларини таҳлил этди (техник ва коммерция) ва қарор қабул қилди.

Шунга мувофиқ:

- 1,2,3-лотлар бўйича "Мицуи и Ко. Лтд" (Япония) компанияси ғолиб деб топилди;
- 4-лот бўйича "Телепорт Заксен Анхальт" (Германия) фирмаси ғолиб деб тан олинди.

Япониянинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик фондида ушбу қарор 1996 йил 27 декабрда маъқулланди. Тендер шартларига мувофиқ ғолиб чиққан фирмаларга контракт тузиш тўғрисидаги музокараларга таклифномалар юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги.

• Киномиз зарварақлари

Хўжа Насриддиннинг экрандаги умри бошланганига ярим аср тўлди. Бухоро ва Хўжа, Истанбул ва Дамашқ каби минглаб шаҳарларда машхур бўлган ҳазилкаш, тadbиркор, сўзга чечан, ишбилармон Насриддин тарафдорлиги ҳам Шарқ халқлари ҳажаялари, аскиялари, меҳри, чуқур инсоний фазилатлари билан таништира бошлади.



БОҚИЙ УМР



Кино аҳлига ташаккур: «Насриддиннинг саргузаштлари»нинг икки эпизоди суратга олдикини дақиқаларини тасмага муҳраб қолдирганлар. Уларни кўрганимда ҳар гал ҳам завқ оламан, ҳам ўйлаб қоламан. Зеро, суратга тушаётган актёрлар (Хайри Ганиева, Раҳим Пирмуҳамедов, Раззоқ Ҳамроев, Холида Хўжаева)гина эмас, кадр ортдагилар, аввало режиссёр Наби Ганиев ҳисҳақонга тўлиб тошиб, тўққинлиб, завқ-шавқ билан ижод этганларини кадрлар намоён этади.

ижрочилар ҳолатга киришини, камера панорама йўли билан Шарқ бозорининг ўзини хослигини кузатиб, керак бўлганда аниқ кўрсатмалар бериб, ўзи ҳам завқланиб, атрофдагилар ижод этиши учун ҳам шариот яратиб бераётганининг гувоҳи бўламиз. Бизга етиб келган яна бир кино ҳужжати ҳам шу асарга тегишли. 1945 йили суратга олинган бу лавҳада мазкур асарнинг энг қизиқарли кадрларини кўришингиз мумкин. Архивда авайлаб сақланиб келинаётган бу тасманнинг аҳамияти шундаки, унда актёрлар Р. Ҳамроев, Р. Пирмуҳамедов, О. Жалиловнинг овозлари ўзбек тилида тапирганлари сақланиб қо-

ни, шу боис ҳам актёрларимиз эркин ижод этишлари учун қулай шароит мавжуд бўлганини бугун қайд этиб ўтиш ўринли бўлар. Бизнингча, бу асар ўзбек санъаткорларининг диққат-эътиборини халқ оғзаки ижодиёти намуналарига, хусусан, сон-саноксиз новелларга, халқ кўшиқларига, аскиядек битмас-туганмас манбага қаратади. Бу ишни Наби Ганиев давом эттирмақчи бўлиб, Собир Абдулла билан «Алломиш»ни экранга олиб чиқишга тайёргарлик кўрган. Бирок у бегоб бўлиб қолиб фильмини суратга ололмади. Лекин бу тажрибадан, Наби Ганиев маслаҳатларидан ҳали фойдаланилганга йўқ. Бу асар режиссёрнинг сез-

Хўнари бор хор бўлмас Энди 1 ўрин учун 3 ўқувчи «ТАЛАШЯПТИ»

Мамлакатимизнинг 442 та хўнар ўқув муассасаларида 260 касб бўйича таълим берилади

Хўзирги кунда республикамизда янги жаҳият қуриш йўлида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, ишлаб чиқариш ва қишлоқ ёшлари касб-хўнар таълимнинг йўналишини бозор ислохотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш, ўзгартириш бевосита хўнар-техника таълими фаолиятида ўз аксини топмоқда.

Хўнар билим юрларининг (ХБЮ) фаолияти 3 та асосий мақсадни амалга оширишга қаратилган: -- шаклланаётган меҳнат бозори шароитида ёшларнинг қобилияти ва хоҳишларини эътиборга олган ҳолда, минтақанинг истиқбол ривожига талабларига жавоб берадиган ишчи касби ва мутахассисликларига тайёрлаш орқали уларни ижтимоий ҳимоялаш; -- корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларни керакли миқдорда ишчи ходимлар билан таъминлаш; -- касб-хўнар билан бир қаторда ёшларга бозор иқтисодиёти асосларини ва ишбилармонликни ўргатиш.

Бугун мамлакатимизнинг 442 та хўнар таълими ўқув муассасаларида 260 касб бўйича 220 мингдан ортиқ йигит-қиз таълим олмақда.

Республика Вазирилари Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги «Бозор ислохотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшлари касб-хўнар таълимнинг йўналишини ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори хўнар таълими ўқув муассасалари фаолиятини тубдан ўзгартиришга сабаб бўлди. ХБЮдан 110 таси хўнар лицейларига, 53 таси эса бизнес мактабларига айлантирилди.

Уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш учун давлат бюджетидан 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Замонавий компьютерлар, касса аппаратлари ва бошқа асбоб-ускуналар сотиб олинди. Мазкур ўқув юрларининг асосий мақсади қишлоқ ёшларини бозор иқтисодиёти асослари, тadbиркорлик, ишбилармонлик қўниқларига ўргатиш бўлганини сабабли «Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш» бўйича янги фан киритилди. Бу ерда «Кичик ва ўрта бизнес менежер брдамчиси», «Фермер-tadbиркор», «Фермер-асаларчи», «Фермер-ўсимликшунос», «Қурувчи-tadbиркор», кичик корхона ва фирмалар учун «Ҳисобчи» ва «референт» каби янги касб бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг тобора унutilиб кетаётган урф-одатларини ва хўнарманчилик касб сир-асроларини қайта тиклаш мақсадида 20 та миллий хўнарманчилик лицейи ташкил этилди. 12 мингта яқин йигит-қиз миллий хўнарманчилик касблари бўйича таълим олмақда. Андижон вилояти Урмонбек, Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарлари, Шаҳрисабз ва Бойсун миллий хўнарманчилик лицейларида «талас тўқувчи», «танч ўймакори», «сардуз», «миллий либос тикувчи», «кўюл», «тилал тўқувчи» касблари бўйича мутахассислар тайёрлашга юқори натижаларга эришилди.

Миллий хўнарманчилик -- йўқолиб бораётган халқ хўнарманчилиги касблари ва урф-одатларни тиклаш ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини иш билан таъминлаш, устaxonлар очиб ва алоҳида ишчи ўринларини ташкил этиш орқали ишчилар сонини камайтириш мақсадида хизмат қилади. Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, теzkорлик билан талас ва эҳтиётга қараб касб ўргатиш муддати ҳам ўзгариб. Янги ўқув-режа ва дастурлар ишлаб чиқилиб, 1,5-2 йил мобайнида 2-3 та қўшма касб берадиган гуруҳлар сони кўпайтирилди.

Бундан 4-5 йил муқаддам, ХБЮга билим савияси паст ва ҳуқуқи ёмон бўлган ўқувчилар мажбурий равишда юбориларди. Бугун эса хўнар таълим ўқув муассасалари обрў-эътибори ва ёшларда хўнарманчиликка қизиқиш ошди. Қабул комиссиясига 1 ўқувчи ўрни учун 2-3 ўқувчидан арizaлар тушмоқда. Қабул тест брдамиди ўтказилган бўлди.

Хўнар таълими тизимиди чет давлатлар билан ҳам муносабат алоқа ўрнатилган эришди. Германиялик малакали мутахассислар -- профессор Шерглер, Шенфельд ва доктор Ҳабиб брдамиди ҳар йили 2 марта семинар-кенташ ўтказилмоқда. Хўнар таълими хоҳимларидан 18--20 нафар киши Германияда ўз малакаларини оширмақдalar. Туркия давлати билан биргаликда 7 та ўзбек-турк хўнар лицейларини очдик. Ўқувчиларга «иқтисод», «тижорат», «туризм ва отелчилик», «техника ва компьютер» соҳасидан ташқари инглиз ва турк тилларини мукаммал ўзлаштириб олишлари барча имконият яратилган.

Билим юрлари негизини ташкил қилган ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга, ўқув хўжалик маълонларидан унумли фойдаланишга катта эътибор берилди. Натижада 245 та хўнар таълими ўқув муассасаларида халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқиляпти, олинган даромад ўқув устaxonларини жиҳозлаш ва муҳандис-муаллим ходимларни, ўқувчиларни моддий рағбатлантириш учун сарфланаётир. Чунки Фарғона вилоятининг Бешарик, Наманган вилоятининг Поп, Самарқанд техник лицейи, Наманган вилояти 13-ХБЮ ҳисоб рақамларида 1 миллиондан ортиқ маблағ бор.

Шу билан бирга хўнар таълими муассасаларида айрим муаммолар ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам мавжуд. Корхона ва ташкилотлар молиявий қийинчиликлар туғайли ХБЮларга моддий-техник ёрдам кўрсатмай қўйди, хомашё, асбоб-ускуналар, замонавий дастхоналар билан таъминлаш қийинлашди. Бу ўқув жараёни сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бунинг ҳал қилишга чет эл тажрибалирига суянган ҳолда, корхона ва ташкилотларга (берган брдамиди учун) солиқ тўлови камайтирилса ёки ундан овоз қилинса...

Ўтқир РАУФОВ, Халқ таълими вазирилик хўнар-техника таълими бош бошқармаси бошлиғи.

Марказий Осиёда кимёвий реактор ҳамда энг тоза моддалар ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи энг йирик "РЕАКТИВСЕРВИС" ИТМ. Тошкентдаги омборидан пул ўтказиш йўли билан қуйидаги маҳсулотларни тавсия этади: КИМЁВИЙ РЕАКТИВЛАР: қишлоқ хўжалиги учун; фан ва техника учун; ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун; хроматография учун; тиббиёт ва формация учун; АНДОЗАЛИ ТИТРЛАР; ТЕРМОИНДИКАТОРЛАР; ФИЛЬТРЛАР. Кимёвий реакторларни етказиб бериш учун буюртма қабул қиламиз. Манзил: Университет кўчаси, 3 (мўлжал - Тошкент давлат аграр университети). Телефон: /3712/ 63-96-21. Тел./факс: /3712/ 63-76-51.

РАНГ-БАРАНГ ОАММ СОЧ ВА ФИКРЛАР Америка олимп-ларининг аниқлашчи, кишининг ақлий қобилияти қай даражадалигини билиш учун турли хил тестлар ўтказишга ҳожат йўқ экан.

Бунинг учун кишининг соч толалари текшириб кўриلسа бас. Олимпларнинг тақдирлашчи, кўп фикрловчи одамларнинг соч таркибида мис кўп бўлар экан. Иш фаолияти ақлий иш билан боғлиқ бўлмаганларда эса аксинча.

Америка қитъасига дастлаб қачон инсон қадами етгани ҳақидаги тортишувлар ҳамон кўпчиликнинг диққат-эътиборида.

Айрим олимплар инсон бундан 10-12 минг йил аввал Американи макон этганини таъкидлашса, бошқалар 40-50 минг йилдан гапиршмоқда. Бого-талик тадқиқотчи Филип Флёрка эса Африканинг қора танил аҳолиси 300 минг йил бурун қайқларда Америкага сузиб келган, деган фикрни илгарти сурмақда.

ЧЕКИШ - АЛОМАТИ РИЗО

Янги Гвения оролида яшовчи айрим қабила-ларда унавиш маросими битта сигарета чекулгунча ҳал этилади.

Яъни, йигит соҳидан бир толани узиб тамаки беришга ўради ва сигара тайёрлайди. Сўнг ўзи ёқтирган қизнинг уйига бориб, сигарани армияга чекади ва қизнинг онасига беради. Она эса ўз навбатида сигарани қизига узатади. Агар у сигарани чекса, демак... тўйга рози.

ТАҚДИР «ҲАЗИЛИ» ЕКИ...

Мексикалик уч жодугар аёл ўз нағмаси қурбон бўлди. Шу билан улар раҳбарлик қилган «Жодугарлик салони» фаолияти ҳам якун топди.

Аёллар 22 ёшли қизнинг руҳини тозалаш ва унинг танасидан жинларни қувиб чиқариш учун барча туйнуқлари маҳкам беркитилган ҳолатда «жоду ўти» дан тутатган. Қуюқ тутундан димқиб бошлаган жодугарлар бунинг дастлаб жинлар уйинига йўйишган шекилди, ўз ишларини давом эттирган. Ордан маълум вақт ўтгач, улар тутундан димқиб ўлган. Бемор қиз эса тасолиф туғайли тирик қолди.

«ЎЗБЕККИНО» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ўзбек миллий киноси учун жаҳон андозалари даражасида мутахассислар тайёрлаш мақсадида «Ўзбекино» давлат-акционерлик компанияси хорижий киноакадемиялар ва ўқув марказларига иқтидорли ёшлар килларидан ўқишга юбориш учун танлов эълон қилади.

Танловга ёши 30 гача бўлган олий маълумотли, кино соҳасида ишлаётган ёки унга қизиққан инглиз, француз ёки немис тилини билган ёшлар тақлиф қилинадилар. Тулиқ маълумотни «Ўзбекино» ДАК ишлар бошқаруви бошқармасидан олиш мумкин: Тошкент ш., Ўзбекистон кўчаси, 98, Киночарик уйи. Тел. 45-81-05.

«ЎЗБЕККИНО» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРИДАН СОТАДИ:

АВТОШИНАЛАР "ДЭУ" 1500x600x635, 260x508R, 320x508R, 185x15 ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ ҲАҚИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ВА ВЕКСЕЛ БИЛАН ТўЛанади. ТЕЛЕФОНЛАР: 77-82-84, 77-96-04, 35-91-27.

«Узпахтасаноатсотиш» уюмаси чиқарган серия ПС-003 N3100191 Муборак газини қайта ишлаш заводига тегишли бир донга 500.000 (беш юз минг) сўмлик Олдий вевсель йўқолганлиги туғайли ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик жамоаси вазириликнинг бошқаруви билан республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи Юрий Михайлович ВОСТРИКОВнинг вафоти муносабати билан унинг она аълоларига таъзия билдирамиз.

Ўзбекистон Телерадиокорпорацияси жамоаси республика радиоси «Алоқибит ва радиотеатр» бош муҳаррирининг шароитлиси Мехмонкул Исмоиловнинг вафоти муносабати билан чуқур тўлаён изҳор этади.

Галкар ЮСУПОВнинг вафоти муносабати билан чуқур тўлаён изҳор этади. А. Р. Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Нефть ва газ факультети доценти Тоҳиржон Риззаева онаси Лолжон РИЗАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур тўлаён изҳор қилади.

С. АКБАРОВ, Андижон шаҳри.

Газетхон тақлиф қилади

ЭҲТИЁТ БўЛИНГ, АВТОМОБИЛЬ КЕЛАЯПТИ!

1896 йил 17 август кунини, яъни дунёда биринчи автомобиль кашф этилганидан 10 йил чамаси вақт ўтгач, Лондон шаҳридаги Кристалл саройида намоиш этилган концерт томошасига кетаётган Бритнига Дрискольс хонимини автомобиль уриб юбориши билан фожиали автохалокат талофатлари саҳифаси очилган эди.

Хўзир барча мамлакатлар йўлларини автотранспорт воситалари мустаҳкам ағаллаган бир пайтда йўл ҳаракати ҳодисалари оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмаётган ва майиб бўлаётган инсонлар сонини катта бир талофатларни еслатаётгандай бўлаётир.

Ҳар йили автомобиль ҳалокатлари натижасида дунёда 300 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлиб, бир неча миллион одам тан жароҳати олмақда. Шунинг янада ачинарлики, кейинги гуруҳ вакилларининг маълум бир қисми умрбод ногирон бўлиб қолмоқдалар.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг характерли томони шундаки, у ўзининг жабр-дийдаларини ёши, жинси, миллати, ижтимоий ҳолати бўйича ташламайди. Шунинг учун талофат кўрганларнинг аксариятини кўплаб бошлар, аёллар ва қаришлар ташкил этаёт-

ганлиги кўпчиликини ташвишга солмоқда. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари хўзирги кунда шундай кўнгилсизликлар асоратларини йўқотиш учун ўз миллий даромадининг талай қисмини сарфлашга мажбур бўлмоқдалар. Холбуки айнан мана шундай маблағ етишмаслиги сабабли ҳанузгача атроф-муҳитни ва экологияни муҳофаза қилиш, ядровий, кимёвий ва бактериологик қуролларни йўқотиш, спид ва бошқа оғир касалликларни даволаш, саводсизлик, қишлоқлик ва очарчиликка барҳам бериш каби йирик муаммолар ҳал этилмай турибди.

Юқоридаги ҳолатларни эътиборга олиб, ҳаракат хавфсизлиги борасида қарийб чорак асрга яқин ишлаган ҳодим сифатида давримизнинг оғир дарди бўлмиш йўл-транспорт ҳодисалари билан курашга барча давлат тизимлари ва жамоат ташкилотларининг саяё-ҳаракатларини бириктириш керак, деб ўйлайман. Шу туғайли Бирлашган Миллатлар Ташкилати биринчи одам талофати билан боғлиқ бўлган автохалокат ҳодисаси муносабати билан 17 августни «Автохалокатларга қарши курашнинг умумжаҳон кунини» деб эълон қилиш масаласини кўриб чиқишини истар эдим.

Шунингдек, 1998 йилда,

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.